


***Қимматли қоғозлар ҳақидаги саволларга «Женерал пул» сармоялар бозори қатнашчилари ўзаро ривожланиш корпорацияси очиқ турдаги акционерлик жамиятининг президенти Шомансур Аъзамов жавоб беради:***

**— Қимматли қоғозлардан қандай даромад олинади?**

— Қимматли қоғозлар бўйича даромад турли усуллар билан олиниши мумкин, масалан:

— белгиланган фоиз даромади тўловлари (ставкаси);

— поғонали фоиз даромади тўловлари;

— ўзгарувчан фоиз даромади тўловлари;

— қимматли қоғозлар номинал баҳосини индексация қилинишидан даромад тўловлар;

*Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби*

# ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

— қимматли қоғозни дисконта билан (номинал баҳосидан паст нархда) сотиб олиниши ҳисобига олинадиган даромад;

— облигациядан ютуқ шаклидаги даромад;

— дивиденд;

— қимматли қоғозни, бозор нархларининг ошиши муносабати билан, сотиб олинган баҳосига нисбатан қимматроқ нархга сотиш эвазига олинадиган даромад (тафовутлар даромади, яъни бозордаги нархлар тафовутлари эвазига олинадиган даромад).

**— Қимматли қоғозлар бозорлари нима?**

— Қимматли қоғозлар билан боғлиқ амалларнинг бажарилишини таъминловчи бозорни қимматли қоғозлар бозори дейилади.

Қимматли қоғозлар бозори ташкилий жараён нуқтаи назаридан — бирламчи ва иккиламчи бозорларга, шаклан эса — биржавий ва нобиржавий бозорларга бўлинади.

Бирламчи қимматли қоғозлар бозори — бу қимматли қоғозлар эмиссиясини ва қимматли қоғозларни тарқатиш (яъни қимматли қоғозларни дастлабки эгаларига — инвесторларга сотилишини) ташкил қилиб ва таъминлаб берувчи бозор.

Иккиламчи қимматли қоғозлар бозори — бу эгаси бор қимматли қоғозларни талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда қайта олди-соттисини ташкил қилиб ва таъминлаб берувчи бозор.

Нобиржавий қимматли қоғозлар бозори — бу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлишини таъминловчи муҳит бўлиб, унда фонд биржаларига сотувга қўйилмаган қимматли қоғозларнинг эркин савдоси (олти-соттиси) дилерлар томонидан махсус телекоммуникация тармоқлари (ўз таркибига телефон, телефакс, компьютер воситаларини олувчи) ёрдамида амалга оширилади.

Биржавий қимматли қоғозлар бозори — бу фонд биржаси бўлиб, у белгиланган тартибда қимматли қоғозларнинг эркин савдосини брокерлар (воситачилар), маклерлар (даллоллар), дилерлар (савдогарлар) томонидан амалга оширилишини таъминлаб берувчи юқори даражада ташкил қилинган махсус инфраструктурали бозор.

Қимматли қоғозлар бозорида эмитентлар, инвесторлар ва инвестиция муассасалари иштирок этадилар. Хусусан олганда, нобиржавий бозорда фақат сотувчи ва харидор (сотиб олувчи) ҳеч қандай воситачисиз ва даллолсиз тўғридан-тўғри қимматли қоғозлар билан ўзаро олди-сотти қилсалар, фонд биржасида эса сотувчи, харидор ва воситачи (молиявий брокер ёки маклер, дилер) иштирок этадилар.

**— Қимматли қоғозларни тарқатишнинг қандай кўринишлари мавжуд?**

— Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (эмиссия) қуйидаги кўринишларда амалга оширилиши мумкин:

— оммавий эълон бермай, реклама компанияси ўтказмай, эмиссия рисоласини эълон қилмай ва рўйхатдан ўтказмай олдиндан маълум чекланган миқдордаги инвесторлар орасида хусусий йўсинда тарқатиш:

— эмиссия рисоласини эълон қилиб ва рўйхатдан ўтказиб, чекланмаган миқдордаги инвесторлар орасида очиқ савдо ўтказиш.

Эмитентлар ўзи чиқарган қимматли қоғозларни мустақил равишда, комиссион ҳақ эвазига банклар, инвестиция компаниялари, молия брокерлари орқали сотишлари мумкин.

Инвестиция компаниялари эмитент билан келишиб туриб қимматли қоғозларни қуйидаги шартлар асосида чиқаришга кафил ва ташкилотчи бўлишлари мумкин:

— кейинчалик бошқа инвесторларга сотиб юбориш мақсадида барча чиқарилган қимматли қоғозларни қайд этилган баҳосида ўз ҳисобларидан сотиб олишлари;

— чиқарилган қимматли қоғозларнинг белгиланган муддат давомида чет инвесторлар ўртасида жойлаштиролмай (тарқата олмай) қолган қисмларини ўз ҳисобларидан сотиб олишлари.

Инвестиция компаниялари ва молия брокерлари (воситачилари) тарқатолмай қолган қисмларини сотиб олиш мажбуриятини зиммаларига олмай туриб қимматли қоғозларни эмитент номидан чет инвесторларга сотиш тўғрисида эмитент билан дистрибьютер шартномалари тузишлари мумкин.



*«Компрессор» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотларни бутун дунё танийди. Кейинги вақтда улар ҳар хил қувватли компрессорлар тайёрлаш билан бир қаторда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам кенг йўлга қўйишди. Уларнинг тури 50 тадан ошди. Шу жамоада меҳнат қилаётган Владимир Сивожелезов (суратда) моҳир чилангарлардан ҳисобланиб, у «2-ВД» компрессорларини йиғишда ҳамда янги турдаги маҳсулотларни яратишда ўз билими ва маҳоратини аямаётир.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Ҳамкорлик уфқлари*

# ХИЗМАТ — БЕМИННАТ

Ҳозир ўзбекистонлик йўловчиларга кўпгина Европа, Осиё, араб мамлакатлари гўёки бир қадам бўлиб қолди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кўпгина давлатларнинг авиакомпаниялари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда. Чунончи, Тошкентда Россия Федерацияси Ҳаво йўллари бош агентлиги ваколатхонасининг очилиши ҳам шундай ҳамкорлик мевасидир.

Келинг, яхшиси Ҳаво йўллари бош агентлигига қарашли бўлган «Квант-Глобал» ёпиқ турдаги акционерлик жамиятининг фаолияти билан танишайлик. Аввалambор шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, ҳозир пойтахтимизда «Квант-Глобал»нинг авиачипталар савдоси билан шуғулланадиган учта нуқтаси фаол ишлаб турибди. Авиачипта кассаларида сизнинг мақсадингизни эшитишгач, Москва, Рига, Киев дейсизми хуллас деярли барча йўналишларга ҳеч қандай муаммоларсиз билет топишингизга кўмак беришади. Бу ерда хоҳишингизга қараб ҳатто қайтишингиз учун ҳам олдиндан чиптага буюртма беришингиз мумкин.

Ҳар бир мамлакатнинг ўз валютаси бор, шунингдек жаҳон узра турли хил авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари рейслар бажаради. Уларга чипта тўғрилашга «Квант-Глобал»нинг «кучи» етармикан, деган ўринли саволнинг туғилиши ҳам шубҳасиздир. Бу борада ҳам кўнгилни тўқ қилишингиз мумкин. Жамият мутахассислари сизга таклиф қилган йўналишлардан энг мақбулини танлаганингиздан сўнг чипта қўлимда деяверинг. Сўм ёки эркин муомаладаги исталган валюта бўйича ҳақни хоҳланг нақд, хоҳланг пул ўтказиш йўли билан тўлашингиз мумкин. Авиачиптани бориб олишга имконингиз бўлмаса, унга телефон ёки факс орқали буюртма бериш мумкин.

— Охирги пайтда транзит йўловчиларнинг сони сезиларли даражада ошди ва уларнинг барча муаммоларини ташкилотимиз ҳал этишга интилмоқда, — дейди «Квант-Глобал» ёпиқ турдаги акционерлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Н. Яшин. — Асосий ишларни авиакомпанияларни рўйхатдан ўтказиш билан шуғулланаётган ҳаво йўллари бош агентлигининг транспорт-клиринг палатаси амалга оширмоқда. Унда турли мамлакатлардаги йўловчилар ташиш бўйича маълумотлар жамланади. Ва биз ҳозир дунёнинг 160 авиакомпаниялари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатганмиз. Бунда ўзаро имзоланган шартномага кўра мазкур авиакомпаниялар ўзаро ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишни бизга ишониб топширишган. Керакли рейслар тўғрисидаги барча маълумотлар, зарур йўналиш бўйича чипта ташкил қилиш ишлари собиқ Иттифоқ Республикалари бўйича «Сирена», халқаро йўналишларда эса «Габриэль» тизимлари орқали амалга оширилади.

Ҳаво йўллари бош агентлигининг Тошкентдаги ваколатхонаси ўз фаолиятини ўтган йил ўрталаридан бошлаган бўлса, шу ўтган қисқа вақт ичида 17 мингдан ортиқ авиачипталар сотилди. «Ипак йўли» банки, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, «Ўздавлатконцерт», шунингдек, кўплаб тижорат фирмалари унинг доимий мижозларига айланди.

Бу йил ҳаммамиз Атланта олимпиадасини орзиқиб кутяпмиз. Зеро, унда мустақил Ўзбекистон спорт жамоаси илк бор иштирок этади. Шу муносабат билан «Квант-Глобал» ёпиқ турдаги акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикаси олимпия жамоаларини Атлантага жўнатиш бўйича харажатларнинг маълум қисмини ўз бўйнига олди. Бунда авиачипта нархининг 25 фоизга арзонлаштирилган қисмидан тушган маблағ Ўзбекистон Республикаси миллий Олимпия қўмитаси ҳисобига ўтказилади.

Бош агентлик транспорт-клиринг палатаси томонидан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳам «Квант-Глобал»нинг ишончли шерикларидан бирига айланди. Шу сабабдан миллий авиакомпаниямиз рейслари ҳаво йўллари бош агентлиги ваколатхонаси бор бошқа давлатлар аҳолиси учун ҳам фаол хизмат кўрсатмоқда.

«Квант-Глобал» ёпиқ турдаги акционерлик жамияти авиачипталарни сотиш билангина машғул эмас. Бу ерда кенг кўламдаги сервис хизмати кўрсатиш, туризмни ташкил этиш ва бошқа масалалар билан шуғулланиш бўйича ҳам режалар белгиланмоқда. Бинобарин, «Квант-Глобал» орқали чипта олган киши шахсий қўриқчига эга бўлиш, меҳмонхонадан жой банд қилиш, автомашинага буюртма бериш, етиб борган манзилда кутиб олиш маросимини ташкил этиш каби қўшимча хизматлардан ҳам баҳраманд бўлиши мумкин. Келгусига мўлжалланган режалар эса ҳали бисёр.

Ойдин ҲАКИМОВА.

*Соғлом авлод учун*

# МАХСУС ЙЎЛЛАНМА БИЛАН

Шайхонтоҳур туманидаги 211-болалар боғчасига сил ҳамда тез-тез шамоллаш касаллигига чалиниб турадиган кичкинтойлар махсус йўлланма орқали қабул қилинади. Боғча мудираси Матлуба Абдурашидованинг айтишича бу ердаги болалар уч ойдан бир йилгача, агар қайсики боланинг оиласи ёки авлодида сил билан хасталанган беморлар бўлса, у мактаб ёшига етгунига қадар боғча қарамоғида бўлади.

Икки қаватли шинам бинонинг хоналари ва залларида ҳамма нарса муҳайё. Болаларнинг ёшига қараб 4 гуруҳ ташкил этилган. Ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ювиниш хоналари, ётоқхона, машғулот ўтказиладиган ва бошқа ёрдамчи хоналар ўзига хослик билан саранжом-саришта қилиб қўйилган.

Боғчада 20 дан ортиқ тарбиячи ва тарбиячи-ёрдамчилари бўлиб, улар болалар билан турли машғулотлар ўтказадилар. Вазира Комилова, Ира Гайнутдинова, Марғуба Шокирова, Мукамбар Каримова каби тарбиячилар ҳамда Ҳадича Эркбоева, Машкура Ашурова, Мавлуда Умарова каби тарбиячи ёрдамчиларининг ишларидан ота-оналар хурсанд. Мусиқа тарбиячиси Саодат Ҳусниддинова ҳар бир боланинг руҳиятига қараб мусиқа машғулотларини олиб боради. Шунингдек шифокор Римма Надершина ва тиббий ҳамшира Мавлуда Юсуповалар болаларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиб турадилар.

Бу боғчанинг бошқа оддий боғчалардан фарқи шундаки, фақат бу ерда болалар билан жисмоний тарбия машғулотлари ўтказиш мумкин эмас. Эрталабки бадантарбия ва баъзи соғломлаштириш машқларигагина рухсат берилган. Боғчанинг яна бир афзаллиги, бу ерда болалар кеча-кундуз давомида тарбиячилар ихтиёрида бўлади.

Доно ЗАРИПОВА.

*Наврўз нашидаси*

# МАРОҚЛИ ЎТГАН КЕЧА

Ўлкамиз узра Наврўзи олам шодиёналари давом этмоқда. Пойтахтимиздаги маҳаллаларда ҳам баҳор байрами навбатма-навбат ўтказилиб келинмоқда.

Кечагина Акмал Икромов туманидаги «Янгиобод» маҳалласида Наврўзга бағишланган серфайз тадбир ўтказилди. Маҳалла марказидаги сўлим чойхона байрамона безатилган. Карнай-сурнайларнинг янгроқ овозидан дил қувнайди.

Кечага қўшни маҳаллалардан ҳамда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри актёрларидан бир гуруҳи меҳмон бўлиб келишди. Кечани маҳалла оқсоқоли, Ўзбекистон халқ артисти Толиб Каримов очди. Мазкур маҳалладаги 193-мактабнинг бадиий ҳаваскорлари ўзларининг қўшиқ ва рақслари билан меҳмонларни хушнуд қилдилар.

Туман ҳокими Осимхон Алихўжаев меҳмонларни Наврўз байрами билан табриклаб, мустақилликнинг шарофати билан тумандаги ўзгаришлар, қурилишлар тўғрисида сўзлаб берди.

Шоир Сайёр ўз шеърларидан ўқиди. Давлат мукофоти совриндори, халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Комилов, актёрлар Шавкат Толипов, Абдураим Абдуваҳобовлар байрам дастурлари билан ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Анвар ҲОЖИХОНОВ.

***Фазога учишни тайёрлашда ва амалга оширишда бевосита турли миллат вакиллари қатнашдилар. Инсоннинг бепоён коинотга учиш шароитини ўрганаётган ва бу парвознинг бехатарлигини таъминлаётган олимлар ва шифокорлар орасида ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, серқуёш Тошкентда туғилиб ўсган тажрибали шифокор, уруш қатнашчиси, истеъдодли олим ҳам бор...***

***Юрий ГАГАРИН.***

# ХАЁЛЛАРИ САМОДА ҚОЛГАН

Дарҳақиқат, 1961 йилнинг 12 апрели Юрий Гагариннинг фазога баҳодирона парвози туфайли тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилди. 1960 йилларнинг энг буюк воқеасига айланган бу оламшумул ишга муносиб ҳисса қўшган, фазо тиббиёти билан фаол шуғулланган тадқиқотчи шифокорлардан бири юртдошимиз Абдухалил Мансуров эди...

Абдухалил 1920 йилда Тошкент шаҳрида бўёқчи косиб оиласида таваллуд топди. Отаси Мансур Ражабов мустақил ўқиб, ёзиш-чизишни ўрганиб олган, онаси Моҳина Мирзажонова эса етти фарзанд тарбияси билан машғул уй бекаси эди. Оила чор-ночор ҳаёт кечирар эди.

Абдухалилнинг ёшлиги юпунликда, бўздан тўқилган кийим-кечакда ўтди. У Олмазор кўчасидаги мактабда бошланғич саводини чиқаргач, 1933 йили ўсимликларни муҳофаза қилиш техникумининг тайёрлов курсига кирди ва у ерда 1935 йилгача таҳсил кўрди. Бироқ бу ердаги ўқиш унга негадир ёқмас эди. Севимли опаси оғир дардга чалиниб, унинг кўз олдида оламдан ўтдию Абдухалилнинг қалбида шифокор бўлиш нияти туғилди. Шунинг учун ҳам у техникумни тарк этиб, Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги ишчилар факультетига ўқишга кирди. Кейинчалик институтнинг 2-курсини тугатгач, бир гуруҳ ўртоқлари билан Самара шаҳридаги ҳарбий-тиббий академиясида ўқишини давом эттирди.

Абдухалил навқирон 21 ёшида тўсатдан бошланган уруш туфайли учинчи даража ҳарбий шифокор сифатида ғарбий фронт таркибидаги 342-ўқчи дивизияда Москванинг жануб томонида олиб борилган жангларда қатнашди.

1492 йилнинг декабри. Жангчиларимиз Москвадан 150 чақирим чамаси узоқликдаги Белев шаҳри яқинида мудофаада туришарди. Қалин қор ёққан. Аёз оёқ-қўл, юз-бурунни чимчилайди. Шундай оғир дамларда Абдухалил Мансуров қуролдош дўстлари билан Белев шаҳрини душмандан озод қилишда мардларча жанг қилди. У хизмат қилаётган ҳарбий-тиббий батальонга ҳар куни жанг майдонидан уч-тўрт юз ярадорлар пешма-пеш келиб турарди. Шифокорлар уларнинг яраларини боғлаб, операция қилишга улгуролмай қолганларида ҳаракатдаги ҳарбий-дала госпитали ходимлари ёрдамга келишарди. Шундай вақтлар ҳам бўлардики, ҳарбий шифокорлар кундузи ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатишса, кечаси қўлларига қурол олиб, ҳандақларда соқчилик қилишарди.

— Совуққа ҳам, очликка ҳам чидаш мумкин экан, — деган эди Абдухалил ака суҳбатларимизнинг бирида. — Аммо жангда қаттиқ яраланиб, куч-мадордан қолса ҳам, ҳаёт билан видолашгиси келмай, сўнгги дақиқада ҳам кўзингизга умидвор тикилиб: «Шунча ҳаракат қилсангизлар ҳам энди сира иложи йўқми? Наҳотки...» дегандек нажот кутиб, мангуликка кетганларини кўрганимизда, улар учун душмандан қаттиқ қасос олишга қасамёд қилардик.

Ҳарбий шифокор Абдухалил Мансуров жанг майдонларида неча юзлаб ярадорларнинг жонига оро кирди, уларни ўлим чангалидан қутқариб, ҳаётга, жанговар сафга қайтарди. Уларнинг кўпчилиги ҳали ҳам ҳаёт бўлиб, ҳамон ўз халоскорларининг номини эхтиром билан тилга олишди.

Абдухалил Мансуровнинг урушдан сўнгги фаолияти деярли 30 йил мобайнида Қуролли Кучлар сафида шифокорлик, илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқ бўлди, у оддий курсантликдан тиббий хизмат подполковниги, фазогирлар шифокори, Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти рентгенология ва тиббий радиология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби даражасига кўтарилди. Фазо тиббиётига оид кўплаб илмий асарлар ёзди, муносиб шогирдлар етиштирди, эл ҳурматига сазовор бўлди.

Мен бу лавҳаларни ёзар эканман, ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. 1968 йилнинг 8 октябри эди ўшанда. Шу куни Тошкент давлат тиббиёт институтининг катта мажлислар залида нафақат собиқ Иттифоқ, балки жаҳон тиббиёти тарихида ниҳоятда долзарб ва ноёб мавзуда докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Ўшанда машҳур рентгенолог, Россия Федерацияси ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Тиббиёт Фанлари академиясининг мухбир аъзоси П. Н. Мазаевнинг: «Бир қатор таниқли олимлар бу ерда айтишганидек, мен ҳам Абдухалил Ражабович Мансуровнинг бу илмий иши чуқур мазмуни ва юксак савиясига кўра ҳақиқатан ҳам ниҳоятда пухта ва ноёб эканлигини яна бир бор эътироф этмоқчиман. Бу илмий иш нафақат Иттифоқ, балки жаҳондаги тиббиёт ходимлари ва фазо тиббиёти билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун ҳам манзур бўла оладиган қимматли ва муҳим асар сифатида тан олиниши шубҳасиздир» деган сўзлари ҳамон қулоғим остида янграб, юрагимни фахр ва ифтихор туйғулари билан тўлдиради.

Кейинчалик, Абдухалил Ражабович билан Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтида бирга ишлаган вақтимизда ўзаро суҳбатларимиз чоғида фазогирлар оиласида кечирган ҳаёти, хусусан Юрий Гагарин ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашганида жуда ҳам ёшариб, тўлқинланиб кетарди.

— Биз фазогирлар оиласида бир ота-она фарзандларидек жуда аҳил ва иноқ эдик, — деган эди ўтган кунларни мамнуният билан эслаб суҳбатдошим. Бу ҳақиқий байналмилал оила эди. Космик сафардан анча илгариёқ, унга қаттиқ тайёргарчилик даврида Юрий Гагарин, Герман Титов, Андриан Николаев, Павел Попович, Валерий Биковский, Борис Егоров каби космонавтлар ўтказилган турли мураккаб тажрибаларда иштирок этишарди. Мен шундай тажрибалар чоғида улар билан бир неча бор учрашиб, мулоқотда бўлганман. Ўшанда Юрий Гагарин катта лейтенант ҳарбий унвонида эди. У доимо, ҳатто мураккаб тажрибалар ўтказилаётган вақтларда ҳам ўзини ниҳоятда осойишта тутар, табиатан жуда хушчақчақ, очиқкўнгил, ҳазилкаш, кулиб турарди. Унинг ажойиб хислатларидан бири — камтарлик ва камсуқумлик эди. Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келганидан сўнг менга халқимизнинг меҳмондўст, меҳнаткаш эканлиги ҳақида ниҳоятда тўлқинланиб гапириб берган эди. У Ботир Зокиров ижро этадиган ҳинд ва араб қўшиқларини жуда ёқтириб, мароқ билан тинглар эди. Мен Юрий Гагаринни ҳамиша софдил, мард, баҳодир, давримизнинг улуғ кишиси сифатида юксак қадрлайман ва унинг сафдоши, замондоши бўлганимдан фахрланаман.

Суҳбатимиз сўнггида Абдухалил ака шахсий расмлар альбомидан ўзининг фазовий биродарлари Виталий Севостьянов ва Борис Егоровлар билан бирга тушган тасвирини менга эсдалик учун хадя қилди. «Оқшом» муштарийларига ҳавола этилаётган нафақат қуйидаги сурат, балки Абдухалил ака (суратда ўнгдан биринчи) билан бўлиб ўтган самимий суҳбат ҳам афсуски энди эсдалик бўлиб қолди. Унинг жанговар ҳаёти, ишлари, фазога дахлдор қизғин илмий фаолияти, ёзган асарлари, одамийлиги бугунги кунда хотира мулкига айланди.



Инсон фазога парвоз этганлигининг 35 йиллигини нишонлар эканмиз, бу жаҳоншумул воқеага ўз муносиб ҳиссасини қўшган истеъдодли олим ва ажойиб инсон, юртдошимиз Абдухалил Ражабович Мансуров билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Искандар РАҲМОН.

***Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар қисқа умр кўрсалар-да, эзгу ишлари билан юзлаб, минглаб кишилар қалбини эгаллайдилар. Соғлиқни сақлаш ишларининг моҳир ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг собиқ ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Марат Даминов ҳам улар сирасига киради.***

*Ёднома*

# ЧАҚМОҚ ЯНГЛИҒ УМР

Марат Даминов 1947 йилнинг 11 апрелида Тошкент шаҳрида оддий меҳнаткаш оиласида дунёга келди. Тошкент Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультети ва аспирантурасини битирди. Ўткир зеҳнли, тўғри сўз, билимдон ва ҳаракатчан Марат Обидович 1975 йили номзодлик, 1990 йили докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Маълумки, ҳам илм, ҳам ташкилотчиликни бирдай яхши эгаллаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, бу борада кўпчилик олдида ҳамиша ибрат бўла оларди. У илм-фанга ниҳоятда ташна, тиришқоқ, ўткир зеҳнли, ҳаракатчан олим, профессор сифатида шу қисқа умрини тиббиёт фанининг ривожланишига бағишлади.

Марат Даминов ёш бўлсада, катта ишларга бош-қош бўлиб, ўзининг илмий-тадқиқот ишларини бемор болалар ўртасидаги амалий тиббиёт ҳамда мураббийлик ишлари билан чамбарчас олиб борди, бир қанча шогирдлар етиштирди. У узоқ йиллар Соғлиқни сақлаш вазирлигидан ташқари болалар бош нефрологи лавозимида ҳам ишлаб, даволаш муассасаларига тиббий ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этди. Юздан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинди.

— Ҳақиқатан ҳам тиниб-тинчимас Марат ака қобилияти, кучғайратини умрининг сўнгги кунларигача болалар нефрологиясини ривожлантиришдек савобли ишга бахшида этиб келдилар, — дейди унинг шогирдларидан бири, 2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг болалар нефрологияси бўлими мудири Абдуғаффор Исроилов. — 1978 йили институти қошида ҳозирги болалар клиникаси очилган пайт камина билан илк бор мулоқотда бўлган инсон Марат Обидович эди. Ўшанда у киши «Абдуғаффор, энди сен келажакда нефролог бўласан», деб, қўлимдан етаклаб келиб ҳозирги домламиз Маннол Отаметович олдида мени нефрология бўлимига ишга қабул қилдилар. Бир йил ўтар-ўтмас мени Москвадаги профессор Мая Игнатова клиникасига олиб бордилар. У ерда малакамни оширдим. Ўшанда нефрологияни Ўзбекистонда ривожлантиришга қадам қўйилган эди. Шогирдлардан бири Равшан Умаров номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида Америкага бориши керак бўлиб қолди. Уч ой малака ошириб келди. Сертификат ва бошқа деканат ишлари бўлдида, ҳимоя қилиш кейинга чўзилди. Аммо Марат Обидович ўзлари, бир йилда ишни тугатдилар. У киши ана шундай инсонпарвар эдилар.

Ҳа, Марат Даминов ўзининг юксак одамийлиги, камсуқум, камтарлиги билан одамлар эътиборини ўзига тортарди. Қолаверса, ўз соҳасининг етук билимдони, фидойиси ҳам эди. Бугун унинг ишларини шогирдлари давом эттирмоқда.

Ҳамид СУЛАЙМОНОВ.

*Ҳаёт сабоқлари*

# ТАНБЕҲ

Ўшанда ёш бола эдим. Мактабга ҳам бормасдим. Уруш эндигина тугаган. Эндигина одамларнинг бағрига офтоб тега бошлаган эди. Шу боисдан бир бурда нон, бир қошиқ овқат кўзга суртгудек тансиқроқ эди.

Фоҳира опа исмли девор қўшнимиз бўларди. Фоҳира опа қишлоғимиздаги дўконда сотувчи бўлиб ишларди. «Қўлинг тегса оғзинг тегади», деганларидек уларнинг оиласи бизнинг оилага қараганда бирмунча тузукроқ яшарди. Бу аёл аслида шу ерлими ёки бошқа бир юртдан келиб қолганми буни билмайману, лекин Фоҳира опа жуда гўзал бўлиш билан бирга бағри кенг, қўли очиқ аёллардан эди. Эшитишимга қараганда унинг турмуш ўртоғи Тоживой ака Ёрқориев жамоа хўжалигимизнинг биринчи раисларидан бўлган экан. Кейинчалик у жамоа хўжалигида турли вазифаларда ишлаган. Фоҳира опа нон ёпишга, сомса пиширишга жуда миришкор эди. Ҳамма вақт уларнинг дастурхонида ликопчада сомса турганига кўзим тушарди. Унинг Жавдат исмли ўғли бўларди. Бир куни Жавдатни қидириб, уларнинг уйига кириб қолдим. Ҳовли саҳнида ҳеч ким кўринмас, лекин ичкарида дастурхон устида ҳар кунгидек ликопчада картошка сомса турарди. Тўғрисини айтсам эгим келиб кетди. У ёқ-бу ёққа қарасам ҳеч ким йўқ. Икки дона сомсани олдим. Бир зумда кўздан ғойиб бўлдим. Шошилиб уйга чиқдим. Отам ҳовлида қандайдир иш билан ивирсиб юрган экан.

— Қўлингдаги нима ўғлим? — сўради отам қизиқиб.

— Сомса.

— Қаердан олдинг?

Мен бошимни эгганимча ерга қарадим.

— Ўғирладингми? — Отамнинг ранги оқарди. У узоқ ўйлаб ўтирмади. Шапалоқ билан юзимга шундай урдики, кўзимдан ўт чиқиб кетди. — Аҳмоқ, нодон! Шу ёшингдан қўлинг эгри бўлса, эртага ким бўласан? Ҳойнаҳой Фоҳира опаникидан олган бўлсанг керак-а? Бор, олиб чиқиб бер, узр сўра, — деди у еб қўйгудек ғазаб билан менга нигоҳ ташлар экан.

Мен сомсани кўтариб Фоҳира опаникига чиқдим. У уй ўртасида хаёл суриб турарди. Балки у сомсани ким олган экан деб ўйлаб турган бўлса керак. У менинг қўлимда сомсани кўрди-ю ҳайрон бўлиб қолди. Бир зумда ранги гоҳ оқарди, гоҳ қизарди. Хўрлигим келдими мен йиғлаб юбордим.

— Э, сен олибмидинг, — деди-да қаршимга келди. Отамдан қолганини ҳозир Фоҳира опадан есам керак деб ўйлаб турган эдим, Фоҳира опа қарғамади ҳам, урмади ҳам. — Олган бўлсанг, олибсанда, ея қол, ош бўлсин ўғлим. Фақат сўраб олгин, уқдингми? — деди у аста миийиғида кулиб.

Бу воқеадан кейин орадан анча йиллар ўтди. Отам ҳам, Фоҳира опа ҳам бирин-кетин ҳаётдан кўз юмишди. Ҳамон отамнинг юзимга урган ўша шапалоғи-ю Фоҳира опамнинг танбеҳли гапи кечагидай қулоғим тагидан нари кетмайди. Отамдан шапалоқ еган бўлсам ҳам, раҳматли Фоҳира опанинг гапини эшитган бўлсам ҳам, улардан бир умрга миннатдор бўлиб юраман.

Ҳа, бу дунёда инсон учун тўғриликдан, ҳалолликдан яхши фазилат бўлмаса керак.

Турғун ЖЎРАЕВ.

